

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



FARG'ONA DAVLAT  
UNIVERSITETI  
FILOLOGIYA FAKULTETI



FILOLOGIYA TA'LIMI  
MASALALARI:  
MUAMMO VA UNING  
INNOVATSION YECHIMLARI

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN  
MATERIALLARI TO'PLAMI

I-QISM



---

# **OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETI FILOLOGIYA FAKULTETI**

**"FILOLOGIYA TA'LIMI MASALALARI: MUAMMO VA UNING YECHIMLARI"  
MAVZUSIDAGI XALQARO-AMAIL ANJUMAN MATERIALLARI TO'PLAMI**

## **I-QISM**

**2022-YIL 11-MAY**

**"ВОПРОСЫ ФИЛОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ: ПРОБЛЕМНЫЕ  
ВОПРОСЫ И ИХ ИННОВАЦИОННЫЕ РЕШЕНИЯ" СБОРНИК  
МАТЕРИАЛОВ МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**

## **ЧАСТЬ I**

**11 МАЯ 2022 ГОДА**

---

**"ISSUES OF PHILOLOGICAL EDUCATION: PROBLEM ISSUES AND  
THEIR INNOVATIVE SOLUTIONS" COLLECTION OF MATERIALS OF THE  
INTERNATIONAL CONFERENCE**

## **PART I**

**MAY 11, 2022**



## TAHRIRIYAT

### Mas'ul muharir

Qayumov Abduvahob, f.f.b.f.d., PhD

### Xalqaro bazalar bo'yicha mutaxassis

Sobirov Otobek Foziljon o'g'li

Nizomiy nomidagi TDPU magistranti

### Tahrir kengashi a'zolari

**Qosimov Abdug'opir** - f.f.d., professor

**Jo'rayev Habibullo** - f.f.d., professor

**Sabirdinov Akbarali** - f.f.d., professor

**Yulchiyev Qaxxor** - f.f.d., dotsent

**Muhammadjonova Go'zalxon** - f.f.n., dotsent

**Rustamova Ibodatxon** - f.f.n., dotsent

**Rahimov Zokir** - f.f.n., dotsent

**Xo'jayev Sidiqjon** - katta o'qituvchi

**Jo'rayeva Manzura** - f.f.b.f.d., PhD

**Dehqonova Ma'suma** - f.f.b.f.d., PhD

**Oripova Gulnoza** - f.f.b.f.d., PhD

**Umurzaqov Rustamjon** - f.f.b.f.d., PhD

**Xamidov Mirolim** - f.f.b.f.d., PhD

**Xasanova Xikmatoy** - o'qituvchi

**Ahmadjonova Oqila** - o'qituvchi

**Mahmidjonov Shohruh** - o'qituvchi



---

## АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИНИНГ БАДИЙ СИНТЕЗИ

*Ойбарчин Нурбой қизи АБДУЛҲАҚИМОВА,  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети таянч докторанти*

**Аннотация:** Мақолада Абдулла Орипов ижодида фольклор анъаналарининг ўрни масаласи тадқиқ қилинган. Ҳалқ оғзаки ижоди мотивларининг бадиий синтези ижодкор бадиий тафаккури такомилида манба вазифасини ўтагани аниқ мисоллар асосида таҳдил этилган. Шоир шеърларида фольклор анъаналарини поэтик янгилашига алоҳида дикқат қаратгани, ҳалқ мақолларини бадиий қайта ишлаб, миллий рух ифодасига хизмат қилдиргани юзасидан назарий хуласалар чиқарилган.

**Калим сўзлар:** фольклор, адабий-эстетик омил, бадиий-эстетик тафаккур, шеър, феноменал ҳодиса, фалсафий-поэтик хуласа.

**Аннотация:** В статье рассматривается роль фольклорных традиций в творчестве Абдуллы Арипова. Физический синтез народных устных мотивов анализируется на конкретных примерах роли источника в развитии творческого художественного мышления. В своих стихах поэт уделяет особое внимание поэтическому обновлению фольклорных традиций, художественной обработке народных пословиц и выражению национального духа.

**Ключевые слова:** фольклор, литературно-эстетический фактор, художественно-эстетическое мышление, поэзия, феноменальное явление, философско-поэтический вывод.

**Annotation:** The article examines the role of folklore traditions in the work of Abdulla Otipov. The artistic synthesis of folk oral motifs is analyzed on the basis of concrete examples of the role of the source in the development of creative artistic thinking. Theoretical conclusions are drawn from the fact that the poet's poems pay special attention to the poetic renewal of folklore traditions, the artistic processing of folk proverbs and the expression of the national spirit.

**Key words:** folklore, literary-aesthetic factor, artistic-aesthetic thinking, poetry, phenomenal event, philosophical-poetic conclusion.

Бадиий адабиёт юзага келишининг адабий-эстетик омили ҳисобланган ҳалқ оғзаки ижоди юксак истеъодд эгалари учун илҳом манбаидир. Ҳақиқий ижодкор фольклор материалларидан рух олади, ҳалқ достонлари ва эртакларида мавжуд образ ва тимсолларни қайта ишлайди, мақол ва маталлардаги оз сўзда теран мазмунни ифодалаш усулларидан санъаткорона фойдаланиб, поэтик жиҳатдан такомилга етказади. Миллатнинг улуғ шоири Абдулла Орипов ижоди, бу жиҳатдан, тадқиқотлар учун бой материал беради.

Фольклор анъаналарини теран билиш ва ижод жараёнида қўллаш ижодкор бадиий-эстетик тафаккури такомилида алоҳида ўрин тутади. Чунки ҳалқ оғзаки ижоди бадиий асаддаги миллий рух ифодасини кучайтиради. Бадиий ижод намуналарини моҳиятан ҳалқча яқинлаштиради. Ҳалқни бадиият сирларини англашга тайёрлайди.



Абдулла Орипов шеърияти теран фалсафий тафаккур ва миллий руҳни юксак даражада уйғунлаштиргани жиҳатидан ҳам феноменал ҳодиса. Шоир лирикасини ушбу контекстда ўрганиш шоир ижод лабораториясига чуқурроқ кириш, бадиий маҳорати сирларини нозикроқ англаш имконини беради.

Ижодининг илк босқичлариданоқ Абдулла Орипов шеъриятида миллий руҳиятни инжа ифодалашга интилиш кучли бўлгани кузатилади. Халқ достонлари ва эртаклар, мақоллару ҳикматли сўзлар, латифаю ҳангомаларни чуқур ўрганган шоир улардаги образ ва мотивларни, сўз ўйинларию қочиримларни лирик асарларида маҳорат билан қўллади. “Тўғри, шоир адабиёт оламига кириб келган кезларда, унинг ҳаётий тажрибаси ёхуд ижодий тайёргарлиги етарли бўлмагандир, лекин истеъод эгаларининг ўзига хос савқи табиийси, яна ҳам аникроқ айтганда “пайғомлар”ни қабул қилишга муносиб қалб кўзи очиқлигини инкор қилиб бўлмайди” [1,15].

Абдулла Орипов халқ мақолларини гоҳида айнан келтирса, баъзан улар конструкциясига жузъий таҳрирлар киритади. “Мумтоз шеъриятда халқ мақолларидан, масал ва ҳикматлардан фойдаланиш *ирсоли масал* деб номланиши маълум. Ушбу бадиий санъат “...гапда ёки шеърда мақол, матал ва ҳикматли сўзларни муайян мақсадда тамсил йўли билан ишлатмоқ” [3,47] экани эътиборга олинса, шоирнинг бу борадаги тажрибаси ижод аҳлиниң бугунги авлодига ўrnak бўларли экани аён бўлади. “Абдулла Орипов замонавий шеъриятимизда бу санъатни юксак маҳорат билан ва энг кўп қўллаган шоир дейилса, асло муболага эмас” [5,62]. Шеър матнига олинган мақоллар конструкциясидаги ўзгартиришлар баъзан маъно ёки шаклга, баъзан ҳар иккаласига ҳам тегишли бўлади. “Ҳақиқат йўллари” номли шеъридаги: “*Баъзан ёмон от қолур яхши одамдан, ҳатто. Қай бир ёвуз кимсанни яхши дерлар эрта кун*”, деган сатрлар бунинг исботидир. “Яхшидан ном қолур, ёмондан доғ” халқ мақолининг мазмуни шоир шеърида қарама-қарши маънода қўлланган. Баъзида ҳатто яхши одамдан ҳам ёмон от қолиши мумкинлигига доир ифода шоир мақолга маъно жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам ижодий ишлов берганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, Абдулла Ориповнинг сўзга нечоғлик катта масъулият билан қараганидан далолат беради.

Шеърдаги “*Дейдилар, ҳар замоннинг бордир ўз тарозуси, Оҳ нақадар рост эрур ушбу буюк ҳақиқат*” сатрлари “*Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-у тароз*” мақоли янгича қўллангани билан алоҳида ажралиб туради. Мақолда урғу маконга берилган бўлса, шоир эътиборни замонга қаратади. Натижада қўламли фалсафий-поэтик хулоса чиқарилади.

Шоирнинг “Одамлар” шеърида ҳам айни тарздаги бадиий-эстетик ёндашув кузатилади. Адабиётшунос олим Узоқ Жўрақулов Абдулла Ориповнинг бу шеърига алоҳида аҳамият қаратади ва қуйидагича таҳлил этади: “Мазкур шеърда майший ҳаётга оид кичик лавҳа акс этган. Овлоқ қишлоқ хонадонлардан бири. Кўча бўйлаб номаълум бир йўловчи ўтиб кетяпти. Ногаҳоний йўловчига кўзи тушган уй эгаси уни бир кечада қўноқ бўлишга чорлайди. Бу шунчаки ҳавасдан айтилган гап эмас, теран идиллик тажриба, ота-боболар удумига кўра қилинган мурожаат эди. Зотан, осмон корайиб келмоқда, йўл эса узок... Буни яхши билган йўловчи ҳам ортиқча мулозамат кутмай, қолади. Мезбон эса ўз қўноғини борича сийлайди. Саҳарлаб меҳмон уй



эгасига раҳмат айтиб, йўлида давом этади. Шеърнинг умумий мазмуни шу. Шеърда яқин ўтмишимизда ҳам учраб турадиган бир типик воқеа ҳикоя қилинган, холос. Аммо шеърдаги идиллиявийлик ҳикоя қилинган воқеада эмас, шу воқеа замирига сингиб кетган миллий турмуш тарзи ёки миллий фалсафада” [2,27]

- Эй йўловчи, бўлақол қўнок,  
Уйда борин кўрамиз баҳам.  
Тағин ўзинг биласан, бироқ  
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам [4,20].

“Уйда борин кўрамиз баҳам” мисрасида бир майизни қирқ бўлиш ҳақидаги ўзбек халқ мақолининг моҳияти ихчам, лўнда ва ўқувчи шуурини ёлқинлантириб юборадиган гўзал бадиий шакл орқали талқин этилган. “Меҳмон” сўзининг соф туркийча эквиваленти – “қўнок” сўзи қўллангани, коронги тушишининг “қош қорайиши” тарзида халқона истиоравий ифодада берилгани ифоданинг миллий рухиятга мувофиқлигини таъминлаган. Ўзбекнинг бағрикенглигини, борига шукур қилиш баробарида уни қўноғи билан баҳам кўра олиш даражасидаги тантлилиги ёрқин сувратланган бу мисраларда. “Шеърда кичик бўлса ҳам сюжет – муайян воқелик тасвири бор. Композиция – йўловчининг келиши – мезбоннинг таклифи – меҳмондорчилик – қўноқнинг хайрлашиб кетиши – поэтик хулоса мукаммал. “Келтиради топган-тутганий” – ўзбекнинг асл табиатини акс эттирган ифода. Ушбу ибора орқали чинакам миллий характер – ўзбекнинг уйида борини меҳмондан аямаслиги талқин этилган” [5,11].

Умуман, шукр туйғуси миллат сифатида ҳам, мусулмон сифатида ҳам ўзбекнинг фитратига хос фазилатлардан. Куръони каримдаги “Иброҳим” сурасининг 7-оятида: “Ва Роббингиз сизга: “Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир”, деб билдирганини эсланг”, дейилади. Ана шу туйғу ўзбекнинг асл табиатида борлиги Яратганинг миллатимизга улуғ иноятидир. Абдулла Орипов ушбу фазилатни “Исмалоқ” шеърида мана бундай ифодалайди:

Азиз неъматларим, Сизга ташаккур,  
Доимо бўй чўзинг замин комидан.  
Мен сизни кўзимга суртайин ҳар кур,  
Шукронга айтайин ҳаёт номидан.

Шоирнинг ҳар бир сатрида ўзбекнинг тоза тийнати, пок рухияти самимий ва бетакрор акс этади. Ана шу хусусият Абдулла Орипов шеъриятида ижод концепцияси даражасига кўтарилиган. Мазкур сатрлардаги “бўй чўзинг”, “кўзимга суртайин” жумлалари соф ўзбек тилига хос эканидан ташқари, миллатнинг асл табиатини, ўзига хос характерини ифодалashi билан ҳам ўқувчи қўнглини нурлантириб юборади.

Абдулла Орипов шеърларида қаҳрамонлик тимсоли бўлган Алпомиш образига аниқ ижодий мақсад билан мурожаат этилган. “Авлодларга мактуб” шеърида: “Лекин қаршингизда тагин мардана Паҳлавон кимсанинг сурати турар. Тағида – саргайган сатрлар аро Бизнинг услубимиз жаранглар магрур: “Бундай меҳнаткаши кўрмаган дунё, Чунки у советлар фарзанди эрур”, тарзидаги шўроча сохта тарғиботга киноя қилинар экан, Алпомиш образи воситасида паҳлавонлик ўзбек учун янгилик эмаслигига ишора қилинади:



---

Шу замон кўзингиз олдида бирдан  
Кичик чумолича қолгуси Фарҳод.  
Оддий жуссангизга кўз ташлаб зимдан,  
Азиз набиралар, солурсиз фарёд.  
Ўйларсиз Алпомиш давридан бўён,  
Паҳлавон ўтмаган булар сингари.

“Генетика” шеърида ҳам шоир поэтик тафаккури такомилида фольклор образлари асос вазифасини ўтагани кузатилади. Ушбу шеърда “...миллатнинг аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган хислатлари уч авлод: *боболар-фарзандлар-набиралар* ўртасидаги ришталар ҳамда уч замон: *ўтмииш-бугун-келажак* ҳақидаги теран фалсафий қарашлари бадиий талқин этилган”и [5,11] эътиборга олинса, Широк ва Алпомиш образларига мурожаат этилиши сабаби ойдинлашади.

Нечоғли сабот бор ёвқур Широқда,  
Эрйигитов тўпга кўксин босар жим.  
Рахимов ғанимга ташланган чоғда  
Алпомиш шиддатин пайқамаган ким?!

Ёвқурлик, шиҷоат каби фазилатлар генетик қонуниятлар асосида аждодлардан авлодларга ўтиши фалсафий тафаккур ва поэтик талқин уйғунлигига бу тарзда муқаммал сувратлангани Абдулла Ориповнинг мутафаккир шоир экани исботидир. Ижодий ният ифодаси учун фольклор образлари асос қилиб олиниши бежиз эмас. Чунки фақат фольклоргина ҳалқ руҳиятини бор кўлами билан тўлақонли тажассум этиши мумкин. Шу боис ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат этмай туриб, миллат руҳини бадиий ифодалаш имконсизdir.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Орипов ижод оламига кириб келган дастлабки кезларидан миллий фольклор намуналарини қунт ва сабот билан ўрганган. Миллий руҳиятни бетакрор бадиий талқин этиш, ҳалқона услуг имкониятларидан санъаткорона фойдаланиш шоир шеъриятининг асосини ташкил этган. Ҳалқ оғзаки ижоди мотивларининг бадиий синтези ижодкор бадиий тафаккури такомилида алоҳида ўрин тутган. Умр сўнгида яратилган шеърларида ҳам ҳалқ оғзаки ижоди анъаналарини поэтик янгилашга алоҳида дикқат қаратган. Ушбу хусусиятлар, ўз навбатида, Абдулла Орипов шеъриятининг абадиятини таъминлаб келаётir.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Тошкент, 2022.
2. Жўракулов У. Оталар фалсафаси ёхуд идиллик наср ҳакида. Бобур ва Дунё, 2020, N2.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, Ўзбекистон, 2014.
4. Орипов А. Танланган асарлар. “Шарқ”. - Тошкент, 2019.
5. Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри... дисс. автореферати. – Тошкент, 2020.



## MUNDARIJA

<b>Солижонов Й.</b>	ДИЛБАР ҲИКОЯЛАР ЗАВҚИ	11
<b>Сабирдинов А.</b>	ҲАМЗА ШЕЪРИЯТИДА ДАВР МУАММОЛАРИ ТАЛҚИНИ	14
<b>Тожибоева М.</b>	АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ АДАБИЙ АНЬАНАЛАР МАСАЛАСИГА МУНОСАБАТИ	20
<b>Қосимова.</b>	АНТУАН СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ – АДИБ ВА УЧУВЧИ	24
<b>Хамракулова Х.</b>	АБДУЛЛА ҚАҲҲОР АДАБИЁТ ҲАҚИДА	28
<b>Жўраев X., Исмоилова X.</b>	НАВОЙИ ИЖОДИДА СОЛИХА АЁЛЛАР ТАЛҚИНИ	32
<b>Йўлчиев Қ.</b>	ТЕМУР ПЎЛАТОВНИНГ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАХОРАТИ	37
<b>Халлиева Г., Адамбаева Н.</b>	БЕРЛИН КУТУБХОНАСИДА САҚЛНААЁТГАН НОЁБ АДАБИЙ -ТАРИХИЙ АСАР ҲАҚИДА	41
<b>Ктайбекова З.</b>	Б.АЙМУҲАММЕДОВА ГУРРИҶЛЕРИНИЦ ТЕМАТИКАЛЫҚ ӨЗГЕШЕЛИКЛЕРИ	45
<b>Almaz ÜLVİ (Binnatova)</b>	ŞAİRƏ VƏ DÖVLƏT XADİMLƏRİ OLANXAN QIZLARININ BƏNZƏR TALELƏRİ – MAHLAR AYİM NADİRƏ və XURŞİD BANU NATƏVAN	49
<b>Меджидова Шахла Авяз кызы</b>	ЖАНР ҲАМРИЙЯ (САКИНАМЕ) В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ	56
<b>Matkarimova S.</b>	NAVOIY VA XORAZM SHOIRLARI IJODIDA RUBOIY: MUSHTARAKLIK VA O'ZIGA XOSLIK	59
<b>Имомова Г.</b>	БАДИЙ СИНТЕЗНИНГ СПЕЦИФИК ТАВСИФИ	63
<b>Муҳаммаджонова Г.</b>	БАДИЙ ИЖОД: ТАБИАТИ, ЖАРАЁНИ, ТАДҚИҚИ	67
<b>Орипова Г.</b>	ИҚБОЛ МИРЗО ШЕЪРИЯТИДА ТАСВИРИЙЛИКНИНГ ҮРНИ	71
<b>Каримова Ф.</b>	ДИЛОРОМ ЭРГАШЕВА ШЕЪРИЯТИДА МАШРАБ АНЬАНАЛАРИ	75
<b>Жўраева М.</b>	АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “ҲИНД САЙЁХИ” АСАРИДА САФАРНОМА	79
<b>Манноров I.</b>	YASSAVIYLIK ADABIYOTINING TA'SIR DOIASI	84
<b>Махмадшоев М.</b>	ВОСПЕВАНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ ДОБРОДЕТЕЛИ В ПОЭЗИИ СОИБА ТАБРЕЗИ	89
<b>Rustamova I.</b>	БАДИЙ АСАР СТРУКТУРАСИДА РОВИЙ ФУНКЦИЯСИ	94
<b>Rustamova I., Maxsudov A.</b>	BADIYLIK NIMA?	100
<b>Қаюмов А.</b>	ҲАРАКАТЛАР ЖИЛОСИ	105
<b>Дехқонова М.</b>	ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ХУСУСИДА	111
<b>Pirnazarova M.</b>	“MEN VAFO KO'RGUZIB G'OLIB BO'LAMAN....”	115
<b>Akhmadjonova O.</b>	“ТУҒИЛИШ” РОМАНИДА РАҲБАР ОБРАЗИ ПСИХОЛОГИЯСИ	118
<b>Хамидов М.</b>	“МАШРАБ БОРАЁТИР САВДОЙИНАМО...”	122
<b>Тўраева Б.</b>	ПАРАБОЛА-РОМАННИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТИНИ ОЧИШДА ЁНДОШ ХРОНОТОП ВА АМЕБЕЙ КОМПОЗИЦИЯ	126
<b>Матяқупов С.</b>	ЛИРИКАДА МАъНО БАДИЙ КОММУНИКАЦИЯ СИНТЕЗИ ОМИЛИ СИФАТИДА	130
<b>Шаропова Н.</b>	ИЗ ИСТОРИИ ПЕРЕВОДА ПРОИЗВЕДЕНИЙ Х.ТУХТАБАЕВА НА РУССКИЙ ЯЗЫК	133



<b>Oripova G., Ibrohimova G.</b>	SIROJIDDIN SAYYIDNING BADIY MAHORATI	137
<b>Egamberdiyeva K.</b>	ZULFIYA QUROLBOY QIZI ASARLARIDA MILLIY O'ZIGA XOSLIK VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR IFODASI	141
<b>Oripova G., Alijanova M.</b>	PORTRET VA UNING BADIY ASARDAGI O'RNI	147
<b>Solijonov Y., Ro'ziyev T.</b>	BADIY ASAR TAHLILI	151
<b>Yo'ichiiev Q., Jumaboyev A.</b>	«NAVOIY» ROMANI STRUKTURASIGA OID BA'ZI MULOHAZALAR	158
<b>Махмиджонов III.</b>	ТОХИР МАЛИКНИНГ «ШАЙТАНАТ» ҚИССАСИДА ЗИЁЛИ ОБРАЗИНинг БАДИЙ ТАЛҚИНИ	162
<b>Oripova G., Tolibova M.</b>	SHOYIM BO'TAYEV HIKOYALARIDA XARAKTERLAR TALQINI	165
<b>Жўраев X., Жўраев И.</b>	ОИЛА ҚИСМАТИ ВА ЖАМИЯТ ТАҚДИРИ	170
<b>Jo'rayev N., Mahmudova N.</b>	HADISLARNING ZAMONAVIY SHE'RIYATGA TA'SIRI	174
<b>Yo'ichiiev Q. Meliqo'ziyeva G.</b>	“TOM SOYERNING SARGUZASHTLARI” ROMANIDA DIALOGIK NUTQ SHAKLLARI	180
<b>Qosimov A., Ahmadjonov X.</b>	ISAJON SULTON IJODI ADABIYOTSHUNOSLAR NIGOHIDA	185
<b>Ибрагимова Р.</b>	МОҲИР ШОИР, ЖУРНАЛИСТ ВА ЁЗУВЧИ	191
<b>Muxtoraliyev B.</b>	ANVAR OBIDJON QISSALARINING BADIY XUSUSIYATLARI	195
<b>Normurodov O.</b>	SAYYID QOSIMIYNING “MAJMA’ UL-AXBOR” DOSTONI QOFIYASIGA DOIR MULOHAZALAR	200
<b>Akhmadjonova O., Abdukarimova N.</b>	HAMZA HAKIMZODA NIYOZIY IJODIDA MAQOL JANRINING O'RNI	202
<b>Islomova Sh.</b>	QASHQADARYO QIPCHOQ SHEVALARIDA FRAZELOGIZMLAR, ULARGA O'XSHASH BOSHQA BIRLIKLER	207
<b>Abdulkhamidova X.</b>	I.SULTONNING “BOQIY DARBADAR” ROMANIDA XRONOTOP	210
<b>Abduraxmonov A.</b>	BADIY ADABIYOTDA QUSH OBRAZI VA QAHRAMON XARAKTERI	214
<b>Aliqulova H.</b>	TURKIY XALQLAR FOLKLORIDA YOR-YOR JANRI	218
<b>Halimov S.</b>	EDGAR ALLAN PO IJODINING O'ZBEK ABABIYOTSHUNOSLIGIDA O'RGANILISH	221
<b>Kamolov S.</b>	“BESHNAVO” VA “QAYIRMA” SHOIR USLUBI	225
<b>Muxtorjonova Z.</b>	OYBEKNING “QUTLUG‘ QON” ROMANIDA OBRAZLAR TASVIRI	231
<b>Azimjonova Sh.</b>	MA'RIFIY ROMAN JANRI GENEZISI VA TARAQQIYOTI	236
<b>Abdulkhamidova X., Sobirova M.</b>	ISAJON SULTONING “BOQIY DARBADAR” ROMANIDA SYUJET VA KOMPOZITSIYA	239
<b>Юсуфчонова Д., Бобоева И.</b>	НАҚШИ БОЗИХОИ ДИДАКТИКӢ ДАР ТАШАККУЛИ ҚОБИЛИЯТИ ЗЕҲНИИ ХОНАНДАГОНИ ХУРДСОЛ	244
<b>Abdullayeva G.</b>	ADABIY IZDOSHLIK VA O'ZIGA XOSLIK	248
<b>Отаханова М.</b>	ЧУСТИЙ ЛИРИКАСИДА ҚОФИЯ ЖИЛОЛАРИ	254
<b>Ахмадҷонов П.</b>	РЎЗГОР ВА ОСОРИ САЙФИДДИН МУҲАММАДИ	258



	ФАРГОНӢ	
<b>Tuychiboyeva N.</b>	BOLA RUHIYATIDA MIF VA METAFORA TALQINI. (CH.AYTMATOV ASARLARI MISOLIDA)	264
<b>Олимжонов С.</b>	ҚАХРАМОН НУТҚИ – ХАРАКТЕР ЯРАТИШ ВОСИТАСИСИФАТИДА	268
<b>Ne'matov A.</b>	AHMAD YASSAVIY HIKMATLARIDA TUPROQ RAMZI	274
<b>Абдуллаева Г.</b>	ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	277
<b>Abdusalomova M.</b>	ANVAR OBIDJON IJODIDA O'SMIR OBRAZINING YORITILISHI ("YALTIROQ TUGMA") QISSASI MISOLIDA	280
<b>Shokirova R.</b>	HO'JANAZAR HUVAYDO IJODIDA AHMAD YASSAVIY AN'ANALARI	285
<b>Жўраев И.</b>	МАИШИЙ МУАММОЛАР ИБТИДОСИ	290
<b>Haydarova N.</b>	"OQ KEMA" ASARIDAGI MIFIK TALQINLAR	294
<b>Mirzakarimova X.</b>	O'ZBEK MUMTOZ ADABIYOTIDA HIKMATNA VISLIK MAKTABINING SHAKLLANISHI	297
<b>Mamiraliyev Q.</b>	ISTIQLOL DAVRI O'ZBEK SHE'RIYATIDA JANRLAR MASALARI	302
<b>Xasanova X., Ikromjonova G.</b>	"DONISHMAND SIZIF" ROMANIDA AN'ANAVIY OBRAZNING NOAN'ANAVIY TALQINI	306
<b>Xolmatov D.</b>	OBRAZLAR TALQINIDA BADIY DETALNING O'RNI	312
<b>Ergasheva Sh.</b>	BADIY ASARLARDA AYOL OBRAZI	318
<b>Эшанова З, Махмудова Д.</b>	ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ В ИЗУЧЕНИИ ЛИРИКИ ИКБОЛА МИРЗО	322
<b>Mahkamova Sh.</b>	ADABIYOTDA OT OBRAZIDAGI QANOT DETALI	328
<b>Davronova M.</b>	ODIL YOQUBOV QISSALARIDA TASVIR VA TALQIN VOSITALARI ("QAYDASAN, MORIKO?" QISSASI MISOLIDA)	333
<b>Mirzagaliyeva U.</b>	HIKOYANAVIS YOZUVCHI	337
<b>Мўминова Т.</b>	ЭРКИН АЪЗАМ ҚИССАЛАРИДА БАДИЙ ТАСВИР	341
<b>Abdurahimova M.</b>	NABI JALOLIDDIN IJODIDA PSIXOFIZIOLOGIK VOSITALARNING O'RNI	345
<b>Муҳамедова М.</b>	ПОРТРЕТ – ОБРАЗ ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ	350
<b>Tojaliyeva N.</b>	"JUDOLIK DIYORI" ROMANIDA TABIAT TASVIRI	353
<b>Uralova D.</b>	ULUG'BEK HAMDAM HIKOYALARIDA RAMZIY OBRAZLAR OLAMI	358
<b>Boqixonova M.</b>	IQTIDORLI O'QUVCHILARGA ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATINING O'ZIGA XOS USULLARINI TUSHUNTIRISH	363
<b>Абдуллаева В.</b>	XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МАРДИКОРЛИККА ОЛИШ ПОЭЗИЯСИ ҲАҚИДА	368
<b>Boqiyeva G.</b>	SAN'ATKOR (XONANDA, SOZANDA) OBRAZINING GENEZISI	373
<b>Sayidolimov J.</b>	SHARQ AGIOGRAFIYASI VA FARIDUDDIN ATTORNING O'RNI	378
<b>Ibragimova N.</b>	MURABBA'I MUSAJJA'GA DOIR NAZARIY QARASHLAR	383
<b>Қаюмова М.</b>	ДАНИЕЛ ДЕФОНИНГ "РОБИНЗОН КРУЗО" АСАРИДА НУТҚ ВА УСЛУБ МУАММОСИ	386
<b>Mamatxonova M.</b>	OMON MUXTOR IJODIDA NOVATORLIK	390
<b>Qoraboyeva M.</b>	O'ZBEK SHEVALARINING O'RGANILISHI HAQIDA	395
<b>Norbaboyeva M.</b>	BADIY ADABIYOTDAOBRAZLAR TIZIMI VA "YETIM	400



	BOLA” OBRAZI	
Mo’sidinova O‘.	XAYRIDDIN SULTONNING «SUDDA» HIKOYASIDA XARAKTERLAR TALQINI	403
Абдуллаева З.	ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАХОРАТИ	408
Gizdulin E.	XIX ASRNING RUS YOZUVCHILARI IJODIDA SHARQIY TASAVVUFNING MOTIVLARINI AKS ETTIRISH	414
Nuridinov Z.	ZAMONAVIY ADABIYOTSHUNOSLIKDA INTERMEDIALLIK VA EKFRASIS	419
Otamuratova M.	XOSIYAT RUSTAMOVA SHE’RIYATIGA CHIZGILAR	423
Sotvoldieva M.	PRESUPPOSITIVE STUDY OF ERNEST HEMINGWAY AND ABDULLA KAHORS’ STORIES	426
Янгибаева Н.	Ота образининг ҳаётий асоси (Ш.Холмирзаев “Ўзбек бобо” хикояси мисолида)	431
Шаропова Н.	ИЗ ИСТОРИИ ПЕРЕВОДА ПРОИЗВЕДЕНИЙ Х.ТУХТАБАЕВА НА РУССКИЙ ЯЗЫК	435
Qayumov A. Gafurova D.	BADIY DETAL VA BADIY TASVIR	439
Anvarova D.	FIRDA VSIY VA O’ZBEK ADABIYOTI	444
Haydarova G.	BADIY ASARDA KONFLIKTNING YUZAGA KELISHI	448
Jo’rayeva M. Azimova N.	ULUG’BEK HAMDAM IJODIDA QAHRAMON RUHIYAT	451
Yangiboyeva S.	TOHIR MALIK ASARLARIDA DINIY ATAMA, SO’Z VA IBORALARNING TUTGAN O’RNI	455
Abdullayeva D.	O’ZBEK ADABIYOTIDA AYOL, ONA OBRAZINING GENEZISI	459
Qayumov A. Isaqova J.	QOBILJON SHERMATOV ASARIDA KONTRAST	464
Сафарова З.	САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ “ОДИНА” ҚИССАСИДА ЕТИМЛИК ТАСВИРИ	469
Inomov S.	UBAYDIY - RUBOIYNAVIS	474
Mahmudbekova H.	XURSHID DO`STMUHAMMAD ASARLARIDA PSIXOLOGIK TASVIR (“SO’ROQ” QISSASI MISOLIDA	478
Жўраева М. Кодирова Г.	МУТЕЛИК ҚУДУФИ	482
Жўраева М. Одилов Х.	АЗАЛИЙ ТУБАНЛИКНИНГ ЯНГИ ИФОДАСИ	489
Rajavaliyev B.	“DEVONI HIKMAT”DA ISHQ TALQINI	492
Yulduz T.	“JAZIRAMADAGI ODAMLAR” ROMANIDA QAHRAMONLAR PORTRETING BADIY TAHLLILI	496
Umarov D.	O’ZBEK REALISTIK HIKOYACHILIGINING TADRIJI VA TAMOYILLARI	500
Ergasheva F.	BADIY ASAR VOQELIGIDA LIRIKANING O’RNI	506
Абдулҳакимова О.	АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИНИНГ БАДИЙ СИНТЕЗИ	509

